

Научный вестник Бухарского государственного университета*Scientific reports of Bukhara State University

ISSN 2181-6875

BUXORO DAVLAT
UNIVERSITETI

ILMIY
AXBOROTI

2/2014

PEDAGOGIKA

berilayotgan hududlarida millionlab tonna kar'er jinslarni olish va boshqa joylarga siljitish bilan bog'liq hududlarda sinergetik sistema bo'lgan Quyosh-Yer sistemasida jiddiy geofizik muvozanatning buzilishi kuzatilmog'da. Olam golografik tuzilishga ega bo'lganligi sababli, Quyosh bu xildagi buzilishlarni sezadi va bu holat Yer yuzida o'z aksini topadi. Buning isboti sifatida aynan shu xildagi ishlar olib borilayotgan joylarda plazmoidlar kuzatilishini aytish mumkin. Hosil bo'lgan tizilmalar Quyosh plazmasining Yer yuzasiga ta'siri bilan bog'liq.

Shunga binoan ekologiya bilan bog'liq bo'lgan muammolar faqat Yerga bog'liq bo'lib qolmasdan, sinergetik jihatdan Quyosh sistemasining balansiga ham bog'liq bo'lgan muammoga aylanib qoldi. Shuning uchun ekologik muammolarni yechishda olamning golografik tuzilishiga ega ekanligini e'tiborga olish hamda barcha fanlar integratsiyasini sinergetika tamoyillari orqali amalga oshirib, insoniyatning sinergetik tafakkurini shakllantirish lozim.

Demak, fizika darslarida o'quvchilar ekologiyaga oid bilim, ko'nikma va malakalarni hosil qilish uchun avvalo, jamiyat va tabiat qonunlarining uzviy bog'lanishlarini bilishlari lozim. O'qituvchilar bu muhim vazifani bajarishni sinergetik

tamoyillar asosida olib borsalar, ishonch bilan aytish mumkinki, kelajak avlodlarimiz uchun musaffo ekologik muhit yaratiladi.

Yuqorida Nyuton qonunlarini ekosinergetik nuqtai nazardan o'rganish natijasida quyidagi xulosalarga kelindi:

- birinchidan, fizika qonunlarining biosferaga tadbiiq etilishi (Nyuton qonunlari misolida) natijasida uning qo'llanilish sohalari va imkoniyatlari ko'rsatib berildi;

- ikkinchidan, biosferaning umumiy qonuniyatlarini o'rganishda - fanlararo bog'lanishni sinergetika tamoyillari asosida bir tizimga keltirish mumkinligi ayon bo'ldi;

- uchinchidan, o'quvchilarda ekologik tushunchalarni shakllantirishda ekosinergetik uslubning imkoniyatlari ochib berildi;

- to'rtinchidan, ekologik ta'lim berishning ilmiy-nazariy usuli taklif etildi.

- beshinchidan, fanga ilk bor "Ekosinergetika" atamasi kiritilib, uning mohiyati ochib berildi.

Sinergetik yondoshuvlar orqali o'quvchilarning ekologik dunyoqarashini oshirish usuli nafaqat fizika fanini, balki boshqa tabiiy va gumanitar fanlarni o'qitish jarayonlarida ham qo'llanilsa, o'ylaymizki, kelajak avlodlar uchun toza ekologik muhit yaratiladi.

ADABIYOTLAR

1. Axmedov A.A., Bekpo'latov U.R. Nyuton qonunlarini turlicha tushuntirish. Uslubiy qo'llanma. Navoiy -2010.
2. Bekpo'latov U.R. Nyuton qonunlarini o'qitishda - ekologik ta'lim berishning sinergetik asoslari/Uzluksiz ta'lim tizimida ilm-fan hamkorligining dolzarb masalalari // III-qism. 15-mart. Navoiy-2013.
3. Шерматов Э.Н. Сверхпроводимость и память человека. - СПб.: Изд-во Политехнического университета, 2006. -172 с.
4. Талбот Майкл. Голографическая Вселенная.-М.:Издательский дом «София», -2005.368 с.

МУХАНДИСЛИК КОМПЬЮТЕР ГРАФИКАСИ ФАНИДАН МУСТАКИЛ ИШЛАРНИ БАЖАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Маматов Дилшод Кодирович

БухДУ Чизма геометрия ва чизмачилик кафедраси катта ўқитувчиси
dilshod555ts@mail.ru

Шукуров Аваз Рўзиевич

БухДУ Чизма геометрия ва чизмачилик кафедраси ўқитувчиси

Умарова Ситора

БухДУ Педагогика факультети иқтидорли талабаси

Таянч сўзлар: AutoCAD 2d, компьютер дастурлари, кўриниш, яқин тасвир, мустақил иш, график ишлар.

Ключевые слова: AutoCAD 2d, компьютерные программы, вид, наглядное изображение, самостоятельные работы, графические работы.

Key words: Auto CAD 2d, computer programs, view, clear image, independent work, graphic works.

Мақолада талабаларнинг муҳандислик графикаси фанидан мустақил ишларини ахборот технологиялари орқали бажаришнинг кенг имкониятларини қўллаш кўрсатилган.

В статье рассматриваются широкие возможности использования информационной технологии в обеспечении цикла познавательных действий при самостоятельной работе по инженерной графике студентов.

The opportunities to use information technologies to carry out independent works on engineering graphics are discussed in the article.

Ёш авлодни ҳозирги замон талабларига мос равишда тарбиялашдек вазифа педагоглар олдида туради. 2014 йил - "Соглом бола" йилида янада хайрлироқ меҳнат қилиб, ёшларимиз онгига Мустақил Ўзбекистон, Ватан деган тушунчаларни сингдириб, дунё билан ҳамнафас бўлишни таъминлашимиз керак.

Чизмачилик таълими ривожланиб бораётган мустақил давлатимизнинг барча тармоқларида янги технологиянинг яратилиши ва жорий қилиниши, инсон амалий фаолиятида тутган ўрни билан белгиланади. Жаҳонда информатика ва ахборот технологиялари жадал суръатлар билан ривожланиб, такомиллашиб бораётган соҳадир.

Мактабда компьютер графикасини ўқитишдан асосий мақсад ўқувчиларга чизмачилик ва муҳандислик графикаси фанларидан бажариладиган график ахборотларни чизма, диаграмма ва схемалар каби тасвирларни компьютер ёрдамида бажариш тартиби ва қоидаларини ўргатишдан иборат. "Компьютер графикаси"нинг асосий масаласи амалий ва операция дастурлар ҳамда тайёр буйруқлар пакетидан фойдаланиб, лойиҳалаш ва технологик жараёнларнинг моделларини яратиш ишларини ўқувчилар томонидан компьютерда эркин бажаришлари учун зарур бўлган билим ва малакаларни шакллантиришдан иборат.

Чизмачилик таълими бўйича Давлат таълим стандартида ўрта умумтаълим мактабининг 9-синф тақвимий-мавзуй

режасида 4 соатлик дарс ажратилган. "Paint", "AutoCAD" дастурлар системасида график тасвирларни яшаш, чизма шрифтлари, текис ва ҳажмли шакллар тасвирларини яшаш бўйича мавзулар ажратилган. Бугунги кунда замонавий дарс жараёнига жуда катта талаблар қўйилмоқда. Биз дарс жараёнида инфор­мацион технологиядан фойдаланиш методикасини ўрганиб чиқишга ҳархат қилдик.

XI аср компьютер техникаси асри деб бежи айтилмаган. Ҳозирги вақтда замонавий техникалар ривожлангани сари, барча ўқув даргоҳларида ҳам дарсда замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиб ўтиляпти. Умумтаълим фанлар бўйича ўқув адабиётлари, асосан, аъъанавий босмашаклда тайёрланади. Ҳозирги замонавий ўқув дарсликлари уларнинг электрон вариантлари ҳамда зарур бўлган дастурларнинг дисклари, дискеталари билан биргаликда илова қилинмоқда. Бу эса ўз навбатида машғулотлари замонавий электрон техник воситалардан фойдаланиб ташкил қилишга уллай бўлмоқда [2,7]. Чизмачилик фанини ўқитишда компьютер технологияларидан фойдаланиш, компьютерлаштириш муаммолари юзасидан бир қама кузатиш ишлари олиб борилган [3,4].

Агар ишлаб чиқилган ўқитиш методикаси мантиқан тўғри ва услубий нуқтаи назардан мукаммал бўлса, назарий ва амалий билимларни осон ва қулай ўзлаштириш ҳамда ўқув жараёнида

PEDAGOGIKA

вақтни тежаш мумкин бўлади. Бунда ҳар бир педагог - ўқитувчидан бу фаннинг назарий асосларини чуқур билиши ва қуйидаги амалий малакаларга эга бўлиши талаб қилинади:

1. Ҳар бир машғулотни муаммоли ва инновацион технологиялардан фойдаланиб ташкил қилиш.

2. Ўқувчиларни замонавий компьютер графикаси имкониятлари билан таништириб бориб, уларни компьютер билан ишлашга руҳан тайёрлаш.

3. Чизмачилик ва компьютер графикасининг ўзаро боғлиқлиги, унинг жамиятда тутган ўрнини асосли тушунтириш орқали ўқувчиларни касбий йўналтириш.






4. Ўқувчиларда чизмачилиқдан олган билим ва кўникмаларини компьютерда қўллай олиш малакасини шакллантириш.

5. Компьютер графикаси имкониятларидан фойдаланиб, ўқувчиларнинг фазовий тасавури ва ижодий фикрлаш қобилиятларини ўстириб бориш.

Чизмачилиқдан компьютер учун ажратилган машғулот мавзуларини

танлашда ўқувчиларни "AutoCAD" дастурининг қуйидаги: кесма чизиш, уни бўйаш, унга тур бериш, чизиқларни турларга ажратиш, айлана чизиш ва унинг асосида туташма яшаш, ортиқча чизиқларни ўчириш, тасвирни сақлаш, матн ёзиш, чизилган чизмани ва ёзилган матнни таҳрир қилиш, ўлчам қўйиш каби буйруқлардан амалий фойдаланишга ўргатиш каби кетма-кетликларни бажариш мақсад қилиб қўйилган [4,18]. Бубуйруқлардан фойдаланиб бажариладиган чизмалар чизмачилиқнинг "Проекцион чизмачилик" бўлимидаги "Деталнинг икки кўринишига қараб 3- кўриниши ва яққол тасвирини топиш" мавзуси бўйича, компьютер графикасидан 2- график ишига вазифа вариантлари сифатида текис контур чизмаларни олиш услубий жиҳатдан тўғри бўлади [4,60].

2-график лаборатория иши A4 (210x297 мм) форматда бажарилиб, проекцияларга оид вазифа бажарилади. Қуйида шу вазифани бажариш алгоритми келтирилган.

	Тушувчи менюлар қаторидан бош меню "Файл"- файллар билан ишлаш менюси танланади.
	Мазкур файлни бирор ном билан хотирага сақлаш учун «Сохранить»- хотирага сақлаш буйруғи танланади.
	Кейинги ойнада "Имя файла"-файлнинг номи ёзилади.
	Файлнинг номи ва формати киритилади (Детал проекцияси.dwg) ва "Сохранить"-хотирага сақлаш тугмаси босилади. Бошланадиган график иш "Детал проекцияси" деб компьютер хотирасида сақланади.
	"Рисования" чизиш панели буйруқларидан "Отрезок"- Тўғри чизиқ кесмаси чизиш буйруғи танлаб олинади.
	Экраннинг ихтиёрий қисмида марказий (штрих пункт, горизонтал ва вертикал) чизиқлар чизиб олинади. Бу чизиқлар биз чизмоқчи бўлган деталимизнинг фронтал проекциясининг маркази ҳисобланади.





PEDAGOGIKA

	"Рисования" чизиш панели буйруқларидан "Отрезок"- Тўғри чизиқ кесмаси чизиш буйруғи танлаб олинади. Ҳар сафар янги чизиқ чизишда шу тугмага такроран мурожаат этилади.
	Берилган вариант асосида чизмани чизиш бошланади. Берилган детал пастки қисмининг узунлиги 200 ммга тенг қилиб чизилади.
	Чизилган чизиқнинг чап томонидан 75 мм ли масофада вертикал чизиқ юқорига йўналтириб чизилади.
	Чизилган чизиқдан ўнг томонга 60мм ли чизиқ ўнгга йўналтириб чизилади.
	Чизилган чизиқдан юқорига қараб 70° ли бурчак остида 111 мм масофали чизиқ чизилади.
	Чизилган чизиқдан ўнг томонга 100 мм ли чизиқ ўнгга горизонтал йўналтириб чизилади.
	Чизилган чизиқдан горизонтал паст томонга 180 мм ли чизиқ йўналтириб чизилади, деталнинг асосий контур чизиқлари чизиб тугатилади.
	"Свойства объекта"-Объектнинг хусусияти панелидан "Тип линей"-чизиқ тури ўзгартирилади. Штрих чизиқ танланади.
	"Свойства объекта"-Объектнинг хусусияти панелидан "Вес линий"-чизиқ қалинлиги 0.15 мм қилиб танланади.
	"Свойства объекта"-Объектнинг хусусияти панелида чизиқ ранги, чизиқ типи ва чизиқ қалинлиги кўрсатилган ҳолат танланади.
	"Рисования" чизиш панели буйруқларидан "Отрезок"- Тўғри чизиқ кесмаси чизиш буйруғи танлаб олинади.
	Чизилган деталнинг юқори қисмидан вертикал пастга қараб 20 мм масофада цилиндрик уйғи бор. Бу уйғи фронтал проекцияда (V) ингичка штрих чизиқ билан чизиб олинади.
	"Свойства объекта"-Объектнинг хусусияти панелида "Тип линей"-чизиқ тури буйруғидан штрих пунктр чизиқ танланиб, "Continuous" чизиқ турига ўзгартирилади.
	"Свойства объекта"-Объектнинг хусусияти панелида "Вес линей"- чизиқлар қалинлиги буйруғидан 0,50мм даги чизиқ танланади.

PEDAGOGIKA

	"Свойства объекта"-Объектнинг хусусияти панелидан "Круг"-айлана чизиш буйруғи танланади.
	Чизилган детал марказий қисмида радиуси R 33мм айлана ўтган. Буни ҳам юқоридаги кетма-кетликда чизиб оламиз.
	Кейинги босқичда берилган деталимизнинг горизонтал (H) ва профил (W) проекциялари чизилади. Бунинг учун бизга берилган ўлчамлар асқотади.
	Ишни осонлаштириш учун фронтал проекция марказидан асосий детал қисмларидан қўшимча нурлар ўтказилади. Детал қалинлиги ва керакли қисмларини чизиш бошланади.
	Бу босқичда берилган деталнинг горизонтал (H) ва профил (W) проекцияларидаги узунлик, қалинлик, уйқлар чизиб олинади.
	Горизонтал ва профил проекциялар чизиб олинганидан сўнг, ёрдамчи чизиқлар белгилаб олиниб ўчириб ташланади.
	"Свойства объекта"-Объектнинг хусусияти панелида "Тип линей"-чизиқ тури буйруғидан фойдаланиб штрих пунктр чизиқ "Continuous" чизиқ турига ўзгартирилади.
	"Свойства объекта"-Объектнинг хусусияти панелида "Весы линей"- чизиқлар қалинлиги буйруғидан 0,15 мм қалинликдаги чизиқ танланади.
	"Свойства объекта"-Объектнинг хусусияти панелида чизиқ ранги, чизиқ тури ва чизиқ қалинлиги кўрсатилган ҳолат.
	"Размеры"-ўлчамлар панелидан "Линейный"-чизиқлар бўйича ўлчам қўйиш буйруғи танланади. Деталга керакли ўлчамлар кетма кетлик асосида қўйилади.
	"Размеры"-ўлчамлар панелидан "Радиус"-радиуслар бўйича ўлчам қўйиш буйруғи танланади.
	Ўлчамлар қўйиш чизмачилик қонун қондасига асосланиб учта проекцияга ҳам тенг тақсимланиб қўйилади. Шундан сўнг деталнинг яққол тасвирини чизиш бошланади.
	"Свойства объекта"-Объектнинг хусусияти панелидан "Тип линей"-чизиқ тури ўзгартирилади. Штрих пунктир чизиги танланади.

PEDAGOGIKA

	"Свойства объекта"-Объектнинг хусусияти панелидан "Веса линей"-чизик қалинлиги 0.15мм танланади.
	"Свойства объекта"-Объектнинг хусусияти панелидан чизик ранги, чизик типи ва чизик қалинлиги кўрсатилган ҳолат.
	"Рисования" чизиш панели буйруқларидан "Отрезок"- Тўғри чизик кесмаси чизиш буйруғи танлаб олинади.
	"Модель"да изометрия ўқлари ясаб олинади. Изометрия ўқлари 120° бурчак остида туташтирилган. Тайёрланган учта проекция орқали деталнинг яққол тасвирини чизиш.
	"Рисования" чизиш панели буйруқларидан "Отрезок"- Тўғри чизик кесмаси чизиш буйруғи танлаб олинади.
	Деталнинг яққол тасвирини чизиш унинг асосидан бошланади.
	Горизонтал ва профил проекцияларни чизишдаги каби деталнинг баландлиги, қалинлиги, эни ва ҳ.к. кетма кетлик билан ўз ўлчамида чизиб олинади.
	"Свойства объекта"-Объектнинг хусусияти панелидан "Круг"-айлана чизиш буйруғи танланади.
	Деталнинг яққол тасвирини чизиб бўлганимиздан сўнг унинг уйқларини кетма-кетлик билан чизиб оламиз. Дастлаб детал марказида жойлашган айлана уйқидан бошланади.
	"Свойства объекта"-Объектнинг хусусияти панелидан "Дуга"-ёй чизиш буйруғи танланади.
	Айлана радиусига мос ровишда овал ясалади. Бу овал фронтал проекцияга паралел қилиб чизилади.
	Деталнинг яққол тасвирини ҳосил қилдик. Агарда вариантларда мураккаб детал берилган бўлса, у ҳолда яққол тасвирида қирқим бериб тасвирлаймиз. Қирқим бериш тартиби ҳам шу кетма-кетликлар асосида бажарилади.
	Юқоридаги бажарилган амалларимиз Стандарт асбоблар панелидан "Сохранить"-файлларни хотирада сақлаш буйруғи орқали хотирада сақланади.

Юқорида "Проекциялар" мавзусига оид
"Деталнинг икки кўринишига қараб

3- кўриниши ва яққол тасвирини топиш"
топиригини бажариш батафсил

тушунтирилди. Чизмачилик фани учун яратиладиган адабиётларда мавзунинг ёритилиш кетма-кетлиги кўрсатилиши компьютер графикасида топшириқларни бажаришни анча енгиллаштиради. Чизмаларни компьютерда бажаришнинг кетма-кетлиги, алгоритмини бериш график топшириқларни бажаришнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Бунинг бир нечта сабабини кўрсатиб ўтамиз:

-мактаб чизмачилик дастурида компьютер графикаси учун ажратилган соатлар миқдори ниҳоятда оз;

-дастурда кўрсатилган дастурлардан фойдаланувчи сифатида ишлаб билиш учун вақт етарли эмас;

-чизмачилик ўқитувчилари "AutoCAD", "3DMAX", "Compas", "CorelDRAW" ва "Photoshop" дастурлари билан тўлиқ таниш эмас.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, таълим жараёнида ўқитувчи график дастур орқали дарсни ташкил этса, талабаларнинг олган билимлари мустаҳкамланиб, малакалари ошиб боради. Бунда ўқувчи ва талабаларнинг:

- биринчидан, дарс жараёнида қизиқишлари ортади;

- иккинчидан, олинган билим, кўникма ва малакалари шаклланади;

- учинчидан, уларнинг фазовий тасаввурлари кенгаяди;

- тўртинчидан, иш самарадорлиги ва ижодий фикрлашлари ортади.

Ҳозирги кунга келиб талабаларни замонавий методлардан фойдаланиб ўқитиш орқали етарли даражада билим бериш ва уларни замон талабидаги мутахассислар қилиб тайёрлаш олдимиздаги энг катта мақсадимиздир. Билимларни ўзлаштириш жараёнида сезги, гидроқ, тасаввур, тафаккур каби психик жараёнлар фаол иштирок этади ва амалиётда синаб кўрилади.

Билимлар турли воситалар орқали пухта ўзлаштирилгандагина, у тўлалигича эсда қолади, бу эса ўқув материалларини онгли ўзлаштиришга, назария билан амалиётни боғлашга, кўрсатмалиликка амал қилишга ва билимларни такрорлаш орқали мустаҳкамлашга боғлиқ бўлиб, оддийдан мураккабга қараб шакллантирилади.

Шунини ишонч билан айтиш мумкинки, бу усулда дарслар ташкил этилганда, талабаларнинг берилган график ишларни тез ва осон ўзлаштиришлари кузатилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Рихсибоев Т. Компьютер графикаси. – Тошкент: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006. - 167 бет.
2. Якиманская И.С. Развитие пространственного мышления школьников. – М.: Просвещение, 1980. - 239 стр.
3. Рихсибоев Т. Мухандислик компьютер графикаси ва уни ўқитиш методикаси. – Тошкент: TDTU bosmaxonasi, 2009. - 110 бет
4. Маматов Д., Бадиёв М, Сафаров Ғ. Мухандислик компьютер графикаси. – Бухоро: "Зиё ризограф", 2013. -127 бет.

МУНДАРИЖА

• ANIQ VA TABIIY FANLAR

Сайидов Қ.С., Ботиров К., Вохидова М.А. Қуёш қурилмаларининг шаффоф юзаси оптикиси.....	3
Ериев О. М., Назаров И.И., Юлдашев М. М., Жалолова В.З. Аллэлбензолсульфонатлар ва улар асосида сирт фазл моддалар олиш.....	6
Jumayev J., Fayziyeva D. N. Vertikal joylashgan manba yaqinida konvektiv issiqlik almashinish jarayonini sonli o'rganish.....	9
Джуреева Н. Р. Новое направление в создании функциональных жировых продуктов для здорового питания.....	12
Жўраев Ф. Ў., Рашидов С. Р. Гипсли ва шўрланган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш технологияси ва унинг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти.....	16
Ахмедова М. И., Эргашева Н. М. Магнитли молекулалар ва мезоскопика.....	20
Мустафаева М.И., Ҳалимова Ш.Э. Экологическая биотехнология для поддержания экологии города и биоразнообразия в водоемах города Бухары.....	24
• TILSHUNOSLIK	
Абузалова М. Қ., Аҳмадова У. Ш. Матбуот тилида тасвирий ифодалар.....	30
Шаҳбиддинова Ш. Х., Рустамов Д.А. Уйғониш даврида тил ва нутқ сўз ва маъно концепцияси.....	32
Артыкова Г. Ш., Халметова С. В. Префиксальный и префиксально-суффиксальный способы образования русских и узбекских медицинских терминов.....	36
Шанурбанова Н.Э., Салахидинова З.О. Проблема разграничения синтаксической и лексической деривации.....	40
Ачилова Д. К. Стендалнинг "Парма ибодатхонаси" асари таржималарининг қиссий таҳлили.....	46
Қаҳарова И. С. Аслиятдан ва тиллараро қилинган бадий таржимада ҳис-ҳаяжон гапларининг берилиши.....	49
Болибекова М. М. Ўзбек тилидаги грамматик шаклланган гап кесимининг инглиз тилида берилиши.....	55
Отажоновна Д. Б. Орфографик норманинг қўлланилиши (инглиз, рус ва ўзбек тили материаллари асосида).....	60
• ADABIYOTSHUNOSLIK	
Ҳайитов Ш. А. Илмга садоқат.....	66
Асадов М. Ҳ. Соқийноманинг жанр табиати.....	70
Давронова Ш. Ф. Интеллектуал романда қаҳрамон масаласи.....	74
• NAVOIY GULSHANI	
Сафарова Ҳ. О. Ки, олам аҳлига солди қиёмат ул қомат.....	80

• FALSAFA VA HUQUQ

Сайфуллаева Д. К. Иравственность — как основа социальных взаимоотношений в трудах Абу Хамида Газали.....

Нарзиев З.И. "Қашф ул маҳжуб" асарининг моҳияти.....

Самадова С. С. Мустақиллик ва мавъназият.....

• SAN'ATSHUNOSLIK

Ҳакимова Г. А., Умарова С. М. Прикладное искусство Узбекистана.....

• TARIKSHUNOSLIK

Абдуллаев У. С. Марказий Осиё халқлари аъёнвий урф-одат ва маросимлари тавзикига доир.....

Ғиёсов С.Ғ. 1920 — йиллардаги очарчилик ва унинг мустақиллик йилларидаги ватан тарихшунослиги (1991 — 2011 йиллар).....

Раҳматуллаев М. Р., Умарова С. Я. XX аср 70-80 йиллари совет-америка муносабатларининг баъзи масалалари даврий матбуот сарҳафаларида (совет даврий матбуоти материаллари асосида).....

Орзиёв М.З., Зарипов Ж. Ғ. Бухоро амирлиги босмахонасининг очилиши ва фаолияти билан боғлиқ масала хусусида (Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви ҳужжатлари асосида).....

Ҳайитов Ж. Ш. Ўзбекистонда совет ҳокимияти дискриминация сиёсатининг мустақиллик даври тарихшунослига (1991-2012 йиллар).....

114

IQTISODIYOT

Qayimova Z. A., Xabibullayeva F. M. Tadbirkorlik faoliyatini moliyaviy rag'batlantirishda bank kreditlarining ahamiyati.....

119

• PEDAGOGIKA

Avezov H.T., Rasulov Z. I., Xodjayeva D.I., Yunusova A.A. Chet tillar bo'yicha yuqori malakali kadrlar tayyorlashda malakaviy amaliyotlarning o'rni.....

125

Нажмиддинова Г. Н., Ражабова Г. З.

Бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив маданиятни шакллантириш омиллари.....

129

Сайидова Н. С., Қазимова Г. Ҳ., Ҳадиёва Г. Д. Веб технологияни масофавий таълим адабиётларини ишлаб чиқишда қўллаш.....

135

Ahmedov A.A., Ernazarov A.F. Nyuton qonunlarini o'qitishda — ekologik ta'limning sinergik asoslari.....

139

Маматов Д.Қ., Шукуров А. Р., Умарова С. Муҳандислик компьютер графикаси фанидан талабаларнинг мустақил ишларининг тўғри бажарилишини таъкил қилиш.....

143

QUTLOV

E'LON

"Бухоро давлат университети илмий ахбороти" журналада мақола эълон қилиш талаб ва шартлари.....

150

153